

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети Юриспруденция таълим йўналиши 3-
босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7072032>

Аннотация. Коррупция дунё миқёсида қал этилиши лозим бўлган глобал
муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-
иқтисодий ривожланишига жиҳидий путур етказади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг
поймол бўлишига олиб келади.

Калим сўзлар: коррупция, конвенция, Коррупцияга қарши курашии агентлиги,
сунъий тўсиқ, Transparency International, коррупция билан боғлиқ жиноятлар.

РЕАЛИЗАЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. Коррупция – одна из глобальных проблем, которую необходимо
решать в глобальном масштабе. Этот порок наносит серьезный вред политическому и
экономическому развитию любого государства и общества, ведет к нарушению прав и
свобод человека.

Ключевые слова: коррупция, конвенция, Антикоррупционное агентство,
искусственный барьер, Transparency International, коррупционные преступления.

IMPLEMENTATION OF THE STATE POLICY IN THE FIELD OF COMBATING CORRUPTION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract. Corruption is one of the global problems that needs to be addressed on a global scale. This vice causes serious harm to the political and economic development of any state and society, leads to the violation of human rights and freedoms.

Keywords: corruption, convention, Anti-Corruption Agency, artificial barrier,
Transparency International, corruption crimes.

КИРИШ

Афсуски, жамиятимизда коррупция иллати
ўзининг турли кўринишлари билан

гов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак,

ҳақиқий шибилармонлик ва инвестиция муҳитини

яратиб бўлмайди, умуман жамиятнинг бирорта тармоги ривожланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев

Коррупция бу – жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли
иллатdir. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади,
инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласди, ҳаёт
сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган
жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб
беради.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу заарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва
камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу заарли иллатни

бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ҳанузгача унинг бартараф этилишида муаммолар мавжуд.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шу маънода коррупциянинг тарихий илдизларига ва унга қарши курашиб хусусида айрим фикрларни билдиromoқчимиз.

Коррупция (лат. Corrumper - бузмок) термини одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. **Коррупцияга қарши қурашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади.** Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг пораҳўрлиги қаттиқ ташвишга солғанлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг пораҳўрлиги қаттиқ қораланади

Жумладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қиласи ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуръони Каримда “Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” дейилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатига тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, 1787-йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импичментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIV-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг дунёнин бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қуйидаги факторларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади.

Икки хил маънони англатувчи қонунлар – ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судъяда уни ўз хоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги – аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойдаланишига қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги – мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгидга ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

Ижро ҳокимиятининг бирлиги тамойилининг бузилиши – айнан битта фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши.

Жаҳон мамлакатларида коррупцияга қарши курашнинг қуидаги усуллари мавжуд:

- ✓ ички назорат;
- ✓ ташқи назорат;
- ✓ сайлов тизими орқали курашиш.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўз вақтида коррупцияга қарши курашда юқори натижаларга эришган **Швеция**, **Сингапур**, **Гонконг** каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашда муҳим ўрин эгаллади.

Бунда Конституциявий назорат органлари, хуқуқ-тартибот органларининг аҳамияти ортади. Яъни, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган нормаларни конституциявий назорат органи томонидан конституцияга зид деб топиш, аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш каби методлардан унумли фойдаланиш ушбу давлатларни коррупция даражаси жуда паст бўлган давлатлар қаторига олиб чиқсан.

Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иктиносий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Коррупцияга қарши курашишнинг устувор хуқуқий асослари қатор хуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- 2003-йил 31-октябрьда қабул қилинган БМТ нинг *Коррупцияга қарши курашии Конвенцияси*;
- 2000-йил 15-ноябрьда қабул қилинган БМТ нинг *Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси*;
- 1999-йил 27-январьдаги Европа Кенгашининг “*Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида*”ги Конвенцияси;
- 1999-йил 4-ноябрьдаги “*Коррупция учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик тўғрисида*”ги Конвенциялар ва бошқалар.

Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқаро нормалардан 2008-йилда Бирлашган Миллатлар Ташикотининг Коррупцияга қарши курашии Конвенцияси, шунингдек, 2010-йилда Иктиносий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат ратификация қилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф

этишга қаратилган қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётта татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-июнъдаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашии тизимини таомиллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашии соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашии чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида *Коррупцияга қарши курашии Агентлиги* ташкил этилди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида коррупция ҳолатлари ҳақида

Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи маҳсус дастурний таъминот ишлаб чиқилди.

Интернет тармоғидаги мазкур *eanticor.uz* дастури тест режимида ишга туширилган бўлиб, унда коррупция ҳолатлари ҳақидаги мурожаатларни тўртта шаклда, яъни:

- “Коррупцияга дуч келдим ва пора беришга мажбур бўлдим”;
- “Коррупцияга дуч келдим ва пора бермадим”;
- “Пора билан боғлиқ бўлмаган коррупцияга дуч келдим”;
- “Ҳалол ишлайдиган давлат хизматчисини учратдим” каби мавзуларда юбориш мумкин.

Шу билан бир қаторда қўйидаги норматив-хукуқий ҳужжатлар асосида коррупцияга қарши муросасиз кураш тизимли равищда олиб борилмоқда:

- 2017-йил 3-январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашии тўғрисида” ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни;
- 2020-йил 29-июнъда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашии Агентлиги фаолиятини ташкил этиши тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4761-сонли Қарори;
- 2021-йил 6-июльда қабул қилинган “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиши муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида Коррупциявий омилларни кескин камайтириши ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириши чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6257-сонли Фармони;
- 2021-йил 6-июльда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашии фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5177-сонли Қарори;
- 2021-йил 22-октябрьда қабул қилинган “Норматив-хукуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5263-сонли Қарори ва шу каби ҳужжатлар.

МУҲОКАМА

Иқтисодчи Бэрдхернинг фикрига кўра, макроиктисодий ривожланиш кўрсаткичига энг катта салбий тўсиқни олиб кирувчи омил айнан коррупция ҳисобланади. Унинг кўринишлари турлича бўлиши мумкин: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, непотизм ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий сайтида ёзилишича,
“Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир”

Масалан, маҳаллий ҳокимиятнинг оддий хизматчисини кўз олдингизга келтиринг, унинг кичик маоши, аслида ходим инсон капиталига мос эмаслиги, коррупцияга қўл уришга мажбур қиласди. Соддороқ қилиб айтганда, кучли билим ва тажрибага эга ходим ҳеч қачон кичик маош таклиф этилган иш лавозимида меҳнат қилмайди. Унинг олдида танлаш учун иккита йўл турибди: иш жойини ўзгартириб, кўп ойлик маош ваъда қилиб турган хусусий секторга ўтиб кетиш ёки кичик маошга “қаноат” қилиб, коррупцияга қўл уриш. Бундай вазиятда, давлат органларида кадрлар етишмовчилиги кузатилиб, тажрибали ва билимли мутахассисларни йўқотиши ҳеч гап эмас.

Яна бир омилга эътибор қаратсак: коррупцияни келтириб чиқарувчи сунъий тўсиқлар.

Сунъий тўсиқ, деб аталмиш жиҳатлар шундан иборатки, уларнинг барчасини сиёсий ирода кучи билан йўқ қилиш мумкин. Улар нималар?

Давлат органлари ходимларини ишга қабул қилишда юз бериши “белгиланган мантиқсизлик” ва шаффофликнинг йўқлигидир. Гап шундаки, инсон капиталининг ҳақиқий қийматини ўзбек моделидаги “объективка” орқали аниқлаш мумкин эмас. Бўлғуси кадрнинг салоҳиятини текшириш, унинг психологик ва жисмоний етуклиги ўрнига “Тошкент пропискаси”, “яқин қариндошининг судланганлиги” каби фойдасиз важлар ҳар қандай билимли кишини расмий доирадан узокроқ юришга ундейди. Агар тажрибали ва билимли мутахассис давлат органида ишлаш истаги билан эшик қоқса, унга бериладиган илк топшириқ ҳам бир талай хужжатларни йифиб келиш бўлади. Ўз ўрнида ҳар бир маълумотномани олиш кичик коррупцияга сабаб бўлиши мумкин.

Ундан ташқари ишга жойлашиш масаласида ҳар ким “таниш-билиш” тизими маҳаллийчилик, уруҳ-аймоқчилик, кланизм каби “ижтимоий ҳодиса”ларга дуч келиши тайин. Ана шундай барча “-чиликлар” замерида коррупцияга бошлаб борувчи йўл мужассам. Шунингдек, кучли фуқаролик жамиятининг ҳақиқий белгиси сифатида давлат органларининг халқ олдида ҳисобдорлиги, уларнинг фаолияти ва молиявий ҳаракатлар аниқ рақамлар билан ифодаланиши шарт. Ҳар бир соҳанинг халқ олдидаги ҳисобдорлигидан ташқари, айни пайтда, Олий Мажлис аъзолари, вазир ва давлат қўмита раислари, юқори раҳбарлик лавозимида ишлайдиган амалдорларнинг шахсий мол-мулки, даромадлари ҳамда уларнинг манбаси шу пайтгacha қўрсатилмаган. Ҳисобдорлик шакли қандай бўлиши керак? Агар биронта вазирлик мисолида қисқача тушунтириш берилса, ҳисобдорлик белгиланган вазифалар, тақвимдаги масалалар ҳамда бажарилган ишлар каби ҳаракатлар билан тўйинтирилишдан ташқари, молиявий шаффофликни талаб этади. Бунда ҳар қандай оддий халқ вакили истаган саволига жавоб олишга ҳақли бўлиши назарда тутилсин.

Статистикага назар ташлайдиган бўлсақ, 2020-йилда содир этилган коррупция билан боғлиқ жиноятлар таҳлили асосида инфографика тайёрланди.

Судлар томонидан 2020-йил давомида коррупция билан боғлиқ (ЖК 205-214, 243-моддалари) жами 2 270 нафар шахсга нисбатан 1 502 та жиноят иши кўриб чиқилган.

Шундан 2 203 нафар шахсга нисбатан 1 457 та жиноят иши бўйича хукм чиқарилган.

Жумладан:

- 80 нафар шахсга нисбатан 59 та жиноят иши бўйича оқлов хукми;
- 2 123 нафар шахсга нисбатан 1 398 та иши бўйича айблов хукми чиқарилган;
- 67 нафар шахсга нисбатан 45 та жиноят иши тугатилган.

2021-йилнинг декабрь холатига кўра, Ўзбекистонда коррупцияга оид жиноятлар рўйхати тузиб чиқилди. Унга кўра, кўйидаги 16 турдаги жиноятлар коррупцияга оид жиноятлар сифатида белгиланмокда:

- ✓ ЖКning 167-моддаси учинчи қисми “д” банди;
- ✓ 168-моддаси тўртинчи қисми “з” банди;
- ✓ 192-9-моддаси;
- ✓ 192-10-моддаси;
- ✓ 192-11-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди;
- ✓ 205-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди;
- ✓ 206-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди;
- ✓ 208-моддасининг иккинчи қисми;
- ✓ 209-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди;
- ✓ 210-моддаси;
- ✓ 211-моддаси;
- ✓ 212-моддаси;
- ✓ 213-моддаси;
- ✓ 214-моддаси;
- ✓ 301-моддаси;
- ✓ 243-моддаси, агар жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиши натижасида олинган даромадларга нисбатан содир этилган бўлса.

Шу билан бир қаторда, ўтган йил холатига кўра, қурилиш, соглиқни сақлаш, олий таълим ва давлат хариidlари соҳаларига оид 75 та қонунчилик хужжатида 302 та коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланди.

Коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга оид хукукбўзарликларни содир этиши имкониятини яратадиган омилларни бартараф этиши мақсадида қурилиш, соглиқни сақлаш, олий таълим ва давлат хариidlари соҳаларига оид амалдаги 226 та қонунчилик хужжати коррупцияга қарши экспертизадан ўtkазилган. Экспертиза натижалари бўйича 75 та қонунчилик хужжатида (жами хужжатларнинг 33 фоизи) 302 та коррупциявий омилларни бартараф этиши устида иши олиб борилади.

Кўшимчи қилиншича, 2022-2026-йиллар давомида Адлия вазирлиги томонидан амалдаги 21 мингдан ортиқ қонунчилик хужжатлари тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўtkазилади.

2022-йил март оида юз берган пора билан боғлиқ бир жиноят ишига диққатингизни қаратмоқчиман.

Андижон вилоятида тергов остидаги айбланувчиларга енгилрок жазо тайинлашга кўмаклашмокчи бўлан фирибгар үшланди.

Бош прокуратура хузуридаги Департамент ҳамда ДХХнинг Андижон вилояти бошқармалари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаро Х.А. фуқаролар Қ.Қ. ва М.Т.ларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича олиб борилаётган тергов жараёнида гўёки юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали Қ.Қ.га бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ва М.Т.га нисбатан жазодан озод этиш хақидаги хукм ўқилиши эвазига айбланувчиларнинг қариндошларидан 8 000 АКШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят Кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) ва 28, 211-моддаси (пора бериш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов харакатлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон коррупция бўйича халқаро рейтингда неchanчи ўринда эканлиги ҳаммамиз учун қизиқ, албатта. Ўзбекистон коррупция бўйича халқаро рейтингда 180 давлат орасида 146-ўринни эгаллади. Transparency International коррупцияга қарши курашиш халқаро нодафлат ташкилоти Коррупцияни қабул қилиш индексининг 2021-йил рейтингини ишлаб чиқди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги хабарига кўра, Ўзбекистон 2020-йилга нисбатан рейтингда 6 поғонага кўтарилиб, 180 давлат орасида 140-ўринни, 2020-йилда эса рейтингда ўз ўрнини 7 поғонага ўзгартириб, 180 давлат орасида 146-ўринни эгаллаган эди (2019-йилда 153-ўрин).

Коррупцияни қабул қилиш индекси давлат секторида коррупция даражаси бўйича эксперtlар ва тадбиркорлар баҳолари асосида 0 дан (коррупцияни қабул қилишда энг юқори кўrsatkich) 100 га қадар (энг паст) шкала бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Шу билан бир қаторда, 2020-йилда Ўзбекистон 26 баллни қайд этди. 2020-йил ҳолатига кўра, рейтингда 88 балл билан Дания ва Янги Зеландия етакчиликни кўлга киритди. Топ-10 рейтингдан Финландия, Сингапур, Швеция ва Швейцария (85 баллдан), Норвегия (84), Нидерландия (82), Германия ва Люксембург (80 дан) ҳам жой олди.

Энг ёмон кўrsatkichни Сомали, Жанубий Судан (12 баллдан), Сурия (14 балл), Яман ва Венесуэла (15 баллдан) қайд этди.

ХУЛОСА

Хуллас, коррупцияни келтириб чиқарувчи ана шу ҳодиса жамият яратган тизимнинг носоғлом яшашида намоён бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашдаги асосий вазифаси ижтимоий кайфиятни ёритиш: чўққининг ўткир нуқтасига келганимизни эслатиб туришдан иборатдир.

Биз коррупциянинг жамоатчиликни жунбушга келтириши ва ҳокимият обўсига сезиларли даражада путур етказиши мумкин бўлган фактларига қарши курашга алоҳида эътибор қаратишмиз даркор.

Биринчи навбатда қуйидаги йўналишлар ажратилиши лозим:

- раҳбар органлар фаолиятидаги коррупция иллатларига барҳам бериш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари сафларини коррупция домига илинган ходимлардан тозалаш;

- аввало, уюшган жиноятчиликнинг ҳокимият ва бошқарув тузилмасига суқилиб киришга ҳаракат қилаётган шаклларига қарши кураш олиб бориш.

Иккинчи томондан, мамлакат аҳолисини ва айниқса, ёшларни хуқукий тарбиялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ниҳоятда зарур.

REFERENCES

1. <http://xs.uz/uz/post/prezident-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-butun-zhamiyat-ishi-ekanini-takidladi>;
2. <http://kun.uz/61832220>;
3. <http://kun.uz/04533315>;
4. <http://xs.uz/post/korruptsiyani-qabul-qilish-indeksining-yangilangan-rejtingi-elon-qilindi>;
5. <http://www.xabar.uz/uz/infografika/.korrupciyaviy-jinoyatlar>;
6. <http://kun.uz/05082676>;
7. <http://kun.uz/17189295>;
8. <http://lex.uz/ru/docs/5495533>;
9. <http://lex.uz/ru/docs/5691402>;
10. <http://lex.uz/ru/docs/-4875784>;
11. <http://lex.uz/docs/-3088008?otherlang=1>;
12. <http://lex.uz/ru/docs/5495529>;
13. <http://anticorruption.uz/uz/item/what-is-corruption>;
14. <http://xs.uz/uz/post/prezident-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-butun-zhamiyat-ishi-ekanini-takidladi>.